# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

бўлмоқдалар. Кооператив уйлар қуриш планлари мунтазам бажарилмай қолмоқда. Кейинги йигирма йил мобайнида бундай қурилиш миқёслари амалда кўпаймади. Уй-жой қуриш кооперативларини тузиш, участкалар ажратиб бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш масалалари расмий бюрократик ёндашув сабабли узоқ вақт чўзиб юборилмоқда. Қурилиш ташкилотлари кооператив уйлар барпо этишдан манфаатдор эмаслар, бундай уйларни норматив муддатлардан анча кечикиб қурадилар ва фойдаланишга топширадилар. Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар уй-жой қуриш кооперативларига кирган ходимларга улар учун уйлар барпо этишда, қурилиш олиб борилаётган территорияни ободонлаштиришда ёрдам кўрсатиш юзасидан ўзларига бериб қўйилган имкониятлардан суст фойдаланмоқдалар.

Кооператив уй-жой қуриш масалаларига оид амалдаги қонунда асоссиз чеклашлар мавжуд бўлиб, уни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Мавжуд планлаштириш ва пул билан таъминлаш системаси маҳаллий органларнинг шу турдаги уй-жойлар қурилишини кенгайтиришдан зарур манфаатдорлигини таъминламайди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети уй-жой қурилишини кенгайтириш ҳамда аҳолининг уй-жойга нисбатан ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида уй-жой кооперациясининг ролини анча ошириш зарур, деб топдилар. Мана шунга асосланиб, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, СССР министрликлари ва идоралари, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар, барча партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари кооператив уй-жой қурилишига муносабатни қатъиян ўзгартиришлари ҳамда ўн учинчи беш йиллик охиригача мамлакатда уй-жой қурилишининг умумий ҳажмида кооператив қурилиш ҳиссасини камида 2—3 баравар оширишлари шарт. Уй-жой кооперациясини ривожлантиришда ёшларнинг активлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватлансин.

Мавжуд уй-жой қурилиши кооперативларига қўшимча равишда гражданларнинг ўз уй-жой шароитларини яхшилаб олишда ўзларининг маблағлари билан қатнашишнинг янги формаси — уй-жой кооперативлари белгилаб қўйилди. Бундай кооперативлар корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлардан ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларидан янги ёки капитал ремонтдан чиқарилган уйларни сотиб олиш ва улардан кейинчалик фойдаланиш учун ихтиёрий асосларда ташкил этилади.

Уй-жой қурилиши кооперативларига ҳам капитал ремонт ва реконструкция қилиниши лозим бўлган уй-жойларни сотиб олиш, уларни ремонт қилиб, кейинчалик фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Кооперативларни ташкил этиш ва уларнинг ишлаши масалаларини мумкин қадар соддалаштириш мақсадида СССР Госпланига, СССР Госстройига ва СССР Молия министрлигига СССР уй-жой-социал банки, СССР омонат банки, СССР Давлат статистика комитети, ВЦСПС ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари иштирокида кооператив уй-жойлар қурилишини планлаштириш ва уни пул билан таъминлаш ҳамда уларни сотиш тартибини ишлаб чиқиб, 1988 йилнинг 1 октябригача тасдиқлаш топшириғи берилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларини моддий манфаатдор қилиш учун уларга яшаш учун энг қулай микрорайонлар ва жойларда бўлган кооператив уйларнинг қийматига 15 процентга қадар устама ҳақ белгилашга рухсат берилди. Шу нарса ҳам кўзда тутиладики, уй-жой кооперативлари аъзоларининг дастлабки бадал пули ва квартиралар қийматини тўлаш учун ҳар ой ўтказиб туриладиган маблағ мазкур кооперативлар қайси корхона ва маҳаллий органлар ҳузурида ташкил этилган бўлса, ўша корхона ва маҳаллий органлар учун аҳолига пулли хизмат кўрсатиш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилишига қўшилади.

Социал адолат принципига мувофиқ кооперативларга кириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати, улар орасида эса имтиёзлардан фойдаланувчи гражданларнинг категориялари белгилаб қўйилди. Уй-жой шароитларини яхшилаш учун ҳисобда турган гражданлар ва аввало ишлаб чиқариш илғорлари, Улуғ Ватан урушининг инвалидлари ва қатнашчилари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ва уларга тенглаштирилган шахслар, муддатидан ташқари хизматдаги ҳарбий хизматчилар, кексайганлиги ёки саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатилган прапоршчиклар, мичманлар ва офицер составидаги шахслар ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек меҳнат ветеранлари ва давлат ҳамда жамоат уй-жой фондида ўзлари эгаллаб турган турар-жой биноларини корхоналарга ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига топширувчи гражданлар кооперативга киришда устунликка эга бўлдилар.

Аҳолининг кенг табақалари кооператив квартираларни бемалол сотиб олишини таъминлаш учун уй-жой кооперативларини пул билан таъминлаш ва қарз беришнинг имтиёзли шартлари кўзда тутилган. Кооперативларнинг аъзолари сотиб олинган квартира қийматининг камида 25 процентини, чекка Шимол районларида ва уларга тенглаштирилган жойларда, Узоқ Шарқда, Сибирда, Қозоғистон ССРда, шахтёрлар посёлкалари ва қишлоқ жойларда эса камида 20 процентини ўз маблағлари ҳисобидан тўлайдилар. Квартиралар қийматининг қолган қисми 25 йил мобайнида тўлаб борилади. Бундан ташқари улар дастлабки бадал ҳақини тўлаш учун СССРнинг омонат банкида 5 минг сўмгача миқдорда қарзни ўн йил мобайнида тўлаш шарти билан расмийлаштириш имкониятини оладилар.

Кооператив уй-жой қурилишини янада ривожлантириш мақсадида корхоналар, бирлашмаларга, колхозларга ҳамда бошқа кооператив ва жамоат ташкилотларига иқтисодий рағбатлантириш фондларининг маблағларидан кенгроқ фойдаланиш тавсия этилди. Уларга кооператив уй-жой ҳақини тўлашда ўз ходимларига сотиб олинган квартира учун иш стажига ҳамда меҳнатга қандай муносабатда бўлаётганига қараб қарзнинг 10 процентдан 50 процентгача миқдоридаги қийматини тўлашда текин молиявий ёрдам бериш таклиф қилинди. Айрим ҳолларда меҳнат коллективларининг қарорларига мувофиқ қарз бўйича қарзни узишда бундай ёрдам кўпроқ миқдорларда берилиши мумкин.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари маориф, соғлиқни сақлаш муассасалари ва ташкилотларининг ҳамда бюджетга киритилган ноишлаб чиқариш соҳасидаги бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларига, шунингдек, Улуғ Ватан урушининг инвалидлари ва қатнашчиларига, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ва уларга тенглаштирилган ҳамда уй-жой шароитларини яхшилаш учун ижроия комитетларда ҳисобда турган шахсларга кооператив уй-жой сотиб олишда худди шундай тартиб ва миқдорларда молиявий ёрдам беришлари мумкин.

Корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ўзларининг маблағлари етишмаган тақдирда уй-жойлар қуриш ва уларни кейинчалик уй-жой кооперативларига сотиш учун уйлар смета қийматининг 50 процентга қадар миқдорида банк кредитидан фойдаланиш имкониятини оладилар. Уларга кооператив уй-жойлар барпо этиш учун майдонларни тайёрлаш ва инженерлик жиҳатидан қулай ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини пул билан таъминлаш тавсия қилинди.

Мамлакатнинг бошқа регионларидан келиб чекка Шимол районларида ва уларга тенглаштирилган жойларда камида ўн йил ишлаган гражданларнинг уй-жой шароитини яхшилаш учун иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига мазкур шахслар учун уй-жой қуриш кооперативлари ва уй-жой кооперативларини ташкил этишда бутун чоралар билан ёрдам бериш, турли районлар ва шаҳарлардаги социал-демографик аҳволнинг хусусиятларини эътиборга олиб, шундай кооперативлар идораларга қарашли территориялар бўйича оқилона тақсимланишини таъминлаб туриш топшириғи берилди. Бунда шунга асосланиш зарурки, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларидан, Москва ва Ленинград шаҳарларидан, Москва областидан ҳамда иттифоқ ва республика аҳамиятидаги курорт районларидан ташқари барча аҳоли пунктларида шундай кооперативлар ташкил этилиши мумкин.

Кооператив уй-жойларни лойиҳалаштириш ва қурилишдаги жиддий камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш учун таъсирчан чоралар кўриш ва жумладан архитектура-планлаштириш ечимларининг юксак даражаси ва қурилиш қийматининг арзонлиги билан ажралиб турадиган уйларнинг илғор лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва улардан кенг фойдаланиш вазифаси қўйилди. Лойиҳаларда кооперативларнинг илтимосига кўра ва уларнинг маблағи ҳисобига уйларга туташтириб гаражлар, спорт, маданий-маиший ва хўжалик бинолари қуриш назарда тутилсин. Кооператив уй-жой қурилишининг қиймати нархлар ва нормаларга мувофиқ лойиҳалар ва сметалар асосида давлат, уй-жой қурилиши учун белгиланиши керак.

СССР Госстройига, қурилиш министрликларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ўн иккинчи беш йилликнинг қолган йилларида уйсозлик комбинатлари темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарувчи заводлар ва ёғочсозлик корхоналарини квартиралар такомиллаштирилган тарзда планлаштирилган янги типовой лойиҳаларга кўра, конструкциялар ва деталлар ишлаб чиқаришга ўтказишни ниҳоясига етказиш топширилди.

Аҳолининг эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш ва квартираларни пардозлашда қўлланилаётган материаллардан оқилона фойдаланиш учун уй-жой ва уй-жой қуриш кооперативлари аъзоларининг буюртмалари ва уларнинг маблағлари ҳисобига кооператив уй-жойларни яхшироқ пардозлаш ва жиҳозлаш учун иш бажариш практикасини анча кенгайтириш назарда тутилмоқда. Мазкур ишларни бажариш учун, жумладан, қурилиш кооперативлари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш кооперативларидан активроқ фойдаланиш назарда тутилмоқда.

Давлат архитектура-қурилиш назорати органларига, шунингдек, давлат қабул комиссияларига нуқсонлари бўлган уй-жойларни қабул қилиб олиш фактларига батамом барҳам бериш мақсадида уй-жойларни қуриш ва фойдаланишга топширишда лойиҳалаштириш стандартлари, нормалари ва қоидаларига қатъий риоя этиш соҳасидаги ишларни кучайтириш топширилди. Қурилиш ташкилотлари кооператив уй-жой фойдаланишга қабул қилиб олинган кундан бошлаб, икки йиллик гарантияли муддат ичида аниқланган барча нуқсонларни ўз маблағлари эвазига бартараф этиш мажбуриятини оладилар.

Иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига, ходимлари тегишли кооператив аъзоларининг кўпчилигини ташкил этган корхоналар ва ташкилотларга жуда яқин жойлашган, йўллари ва магистрал инженерлик коммуникациялари мавжуд бўлган уй-жой қурилиши авж олиб кетган районларда қоида тариқасида кооператив уй-жой қуришни таъминлаш тавсия этилди. Янги ташкил этилаётган уй-жой кооперативлари ва уй-жой қуриш кооперативларига, шунингдек, ишлаб турган кооперативларга кооператив уйлардан зарур даражада фойдаланиш ва уларнинг ремонтини таъминлашда ҳар томонлама ёрдам берилсин.

Хўжалик усулида уй-жой қуришни янада кенгайтириш мақсадида қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари саноати корхоналари ҳамда ташкилотларига уй-жой қурилишини ана шундай усулда олиб бораётган корхоналар ва бирлашмаларга ўзаро тузилган шартномага кўра қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари етказиб бериш, бундай корхоналар ва бирлашмаларга қурилиш машиналарини ижарага бериб туриш, механизациялашган ишлар ва бошқа турдаги ишларни бажариш практикасини кенгайтириш таклиф этилди.

Хўжалик усулида уй-жой қураётган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга иш бажаришнинг конкрет шароитларга боғлиқ тарзда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва топшириш муддатларини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилди.

СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига телевидение кўрсатувлари, радиоэшиттиришлар ва матбуотда кооператив уй-жойлар қуришни ривожлантириш юзасидан меҳнат коллективларининг илғор тажрибасини мунтазам ёритиб бориш, уй-жой қурилиши ана шу турининг афзалликлари, шартлари ва уй-жой кооперативлари аъзоларига бериладиган имтиёзлар ҳақида аҳолини кенг хабардор қилиб туриш топширилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети партия ва совет органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари кооператив уй-жой қурилишини авж олдириш учун бутун куч-ғайратларини сарфлаб, шу тариқа совет кишиларининг уй-жой шароитини яхшилаш ва фаровонлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирдилар.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1988 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ЎРТА ВА ОЛИЙ МАКТАБНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАМДА ҚАЙТА ҚУРИШНИ ИДЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

юртлари кенгашларини тузсинлар. Уларга ўқув юртининг таълим-тарбия ва молия-хўжалик фаолияти масалаларни кўриб чиқиш учун зарур ваколатлар бериб қўйилсин. Халқ депутатлари Советлари ҳузурида давлат-жамоат органлари-конференцияларда сайланадиган халқ таълими кенгашларини тузиш юзасидан зарур иш ўтказилсин.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф министрликлари, ҳунар-техника таълим давлат комитети ўқув юртларининг ва улардаги асосий бўлинмаларнинг раҳбарларини сайлаб қўйиш ва уларнинг ҳисобот бериб туриши принципини изчиллик билан амалга оширсинлар. Педагог кадрларни аттестациядан ўтказишга расмий-бюрократик ёндашув тугатилсин, аттестациянинг ўтказилиши ўқитувчиларнинг ва халқ маорифи бошқа ходимларининг ғоявий-назарий савияси ва касб-кор маҳорати ўсишига, уларнинг ижодий ташаббуси ривожланишига кўмаклашмоғи лозим.

Пленум партия, совет органларидан ўқитувчига, унинг талаб ва эҳтиёжларига жуда синчиклаб муносабатда бўлишни, у болалар билан ишлашга бутун вужудини бағишлаши учун унга зарур бўлган ҳамма шароит яратиб берилишини талаб қилади. Муаллимларнинг ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг сиёсий, илмий-оммабоп ва бадиий адабиётга, даврий нашрларга обуна бўлишга эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилсин. Педагог кадрлардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши ҳақида ғамхўрлик қилинсин, мактабларнинг, ҳунар-техника билим юртларининг, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг ўқитувчиларига ҳамда бошқа педагог ходимларига биринчи навбатда уй-жой майдони ажратиб берилсин, улар учун кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши кенг ривожлантирилсин.

Ўзбекистон касаба союзлари республика совети, касаба союз комитетлари халқ маорифи органлари билан биргаликда ўқитувчиларнинг дам олиш, даволаниш ва соғломлаштириш шароитларини яхшилаш, улар меҳнатини маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар. Ўқув юртларига бириктириб қўйилган базавий корхоналарнинг раҳбарлари ва касаба союз ташкилотлари муаллимларга, ишлаб чиқариш таълими мастерларига санаторий, профилакторий, пансионат, дам олиш базаларига йўлланмалар ажратиб берсинлар, уларни имкони бор жойларда, идоравий медицина муассасаларига бириктириб қўйсинлар.

3. Ижтимоий ҳаётни қайта қуриш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш малакали ишчи ва мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини мунтазам равишда ошириш ва қайта тайёрлаш муаммосини мислсиз равишда кескин қилиб қўймоқда, деб таъкидлайди пленум. Ҳолбуки, ўрта ҳунар-техника билим юртларини, техникумлар ва олий ўқув юртларини битириб чиқаётганларнинг касб-кор даражаси ва назарий тайёргарлик савияси йўл қўйиб бўлмайдиган даражада паст, уларнинг кўплари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришга қодир эмаслар. Баъзан корхоналар, хўжаликлар ва муассасалар улардан воз кечмоқдалар. Ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққанларнинг ярмига яқини, олий ўқув юртлари ва техникумларни битириб чиққанларнинг учдан бир қисми тақсимот жойига бормаяптилар. Министрлик ва идораларнинг раҳбарлари кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртларига юзаки муносабатда бўлмоқдалар, уларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашда, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларини бирга қўшишда ёрдам бермаяптилар, олий ўқув юртлари фани билан алоқани дуруст амалга оширмаяптилар. Республика Госплани, Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, ҳунар-техника таълими давлат комитети ҳунар-техника билим юртларининг, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг структурасини йиллар мобайнида қайта кўриб чиқмаяптилар, натижада бу структура халқ хўжалигини жўшқин ривожлантириш суръатларига зид келиб қолди.

Олий ва ўрта махсус таълим, маориф министрликлари, ҳунар-техника таълими давлат комитети техникумлар ва олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш, ҳунар-техника билим юртларида ишчилар тайёрлаш сифатини анча ошириш учун узил кесил чоралар кўришлари лозим. Бирлашма ва корхоналар билан бевосита тузилган шартномаларга мувофиқ, ишчи кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш практикаси ҳар томонлама кенгайтирилсин. Ишчи кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш асосан ўрта таълим негизида ривожлантирилиб, шу билан бирга ёшлар учун тўлиқсиз ўрта мактабни тамомлаб чиққанидан кейин касб-кор таълими олиш имконияти сақлаб қолинсин. Аввало, бошқарув соҳасида иқтисодий профил мутахассисларини тайёрлаш яхшилансин. Барча мутахассисликлардаги кадрларни иқтисодий тайёрлаш системаси қайта кўриб чиқилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Госплан, Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети 1988 йил 1 августгача халқ хўжалигининг турли профил мутахассисларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжларини белгиласинлар ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари структурасини қайта кўриб чиқсинлар.

Барча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари 1988 йил 1 июлга қадар корхона ва ташкилотларнинг касб танлашда, кадрларни танлаб олишда, тайёрлаш ва улардан оқилона фойдаланишда иштирок этиши аниқ-равшан программасини ишлаб чиқсинлар. Бутун иш ўқув юртлари билан шартномалар асосига қурилиб, ўзаро мажбуриятлар аниқ белгилаб олинсин. Оталиқдаги мактабларга, ўрта ҳунар-техника билим юртларига, техникумларга ва олий ўқув юртларига замонавий техника ҳамда асбоб-ускуналарни ажратиб бериш, тармоқ ходимларининг кадрлар тайёрлашда иштирок этиши, лабораториялар, конструкторлик бюролари, цехларни бериб қўйиш, шунингдек олий ўқув юртлари фани билан алоқаларни мустаҳкамлаш кўзда тутилсин.

Республика Министрлар Совети, область, шаҳар, район партия комитетлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг марказлаштирилган давлат системасини ташкил этиш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ишлаб чиққан чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор берсинлар, шу мақсадда ўрта ва олий махсус мактабнинг, ҳунар-техника билим юртларининг имкониятларидан, оммавий ишлаб чиқариш таълимининг ҳар хил формаларидан мумкин қадар кўпроқ фойдалансинлар.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органлари ишчи ва инженернинг обрў-эътиборини бутун чоралар билан ошириш соҳасидаги ишларни хусусан туб миллатга мансуб ёшлар ўртасида изчиллик билан олиб борсинлар.

Олий ва ўрта махсус таълим маориф, министрликлари, ҳунар-техника таълими давлат комитети, ўқув юртларининг раҳбарлари ўқув юртларига кирувчиларни олдиндан тайёрлаш ва танлаб олишнинг турли формаларини ривожлантиришга оид ишларни кучайтирсинлар. Умумий таълим мактаб-интернатларининг тарқиб топган тармоғи қайта кўриб чиқилиб, айрим дарслар чуқурроқ ўқитиладиган бўлсин, улар кенгайтирилиб, кадрлар билан моддий, методик жиҳатдан мустаҳкамлансин. Республика Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари бу ишда бевосита қатнашишлари лозим. Педагогика фанига муносабатни тубдан ўзгартириш, педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтларининг структурасини қайта кўриб чиқиш, тармоқ институти сифатида унинг вазифаларини аниқлаш ва педагогика соҳасидаги барча тадқиқотларнинг мувофиқлаштирувчи марказига айлантириш зарур.

4. Пленум шуни қайд этадики, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, республикада халқ маорифининг моддий базаси ниҳоятда оғир аҳволда қолмоқда. Мактабларнинг 75 процентида машғулотлар икки-уч сменада олиб борилмоқда. Республикада лоақал нормативга яқин бўлган ўқув-лаборатория майдонларига эга бўлган биронта ҳам олий мактаб, техникум йўқ. Мактаб ва олий ўқув юртларининг техникавий жиҳозланиши тубдан яхшиланиши зарур. Ўқув ускуналари, кўргазмали қуроллар ва замонавий таълим-техника воситалари, мебель, станоклар, приборлар, электрон-ҳисоб техникаси, қишлоқ хўжалик машиналари етишмаяпти. Аммо ушбу масалаларнинг кўпчилиги область, шаҳар, район партия комитетларининг, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг эътиборидан четда қолиб кетмоқда. Қорақалпоғистон АССРда, Андижон, Тошкент, Сурхондарё, Жиззах областлари ва бошқа областларда ўқув юртларини барпо этишга ажратилган капитал маблағлар ўзлаштирилмаяпти. Республиканинг кўпгина регионларида мактаб тараққиётини жадаллаштириш учун ички ресурслар излаб топилмаяпти ва сафарбар қилинмаяпти.

Пленум Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советларининг ижроия комитетлари зиммасига 1988 йилнинг 1 августига қадар мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, мактабгача тарбия муассасалари, мактабдан ташқари муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тармоқларини 2000 йилгача даврда илмий асосланган нормативларга мувофиқ ҳажмларда ривожлантириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш конкрет программасини ишлаб чиқиб, сўнгра амалга ошириш мажбуриятини юклайди. Ҳар бир область бўйича ушбу вазифаларни ҳал этишнинг конкрет муддатлари белгилаб қўйилсин. Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1984 йилги XVIII пленумининг 1984—1990 йилларда Ўзбекистон ССРда умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш комплекс плани тўғрисидаги қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин. Ушбу пленумдаги муҳокамани эътиборга олиб, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш, олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш юзасидан илгари қабул қилинган ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифлар киритилсин.

Область партия комитетлари Ўзбекистон ССР Госстройи, Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф министрликлари, Ҳунар-техника таълими давлат комитети, тармоқ министрликлари ва идоралари, маҳаллий совет ва хўжалик органлари маориф объектлари капитал қурилишига раҳбарликни тубдан яхшиласинлар, ўқув юртларини, мактабгача тарбия болалар муассасалари ҳамда мактабдан ташқари муассасаларни ишга тушириш юзасидан белгиланган топшириқларнинг бажарилиши учун кадрларнинг шахсий масъулиятини оширсинлар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари халқ маорифи муассасаларини барпо этиш учун колхозлар, совхозларнинг, саноат корхоналарининг маблағларини актив жалб қилиб, кооперациялаштирсинлар. Мебель саноатининг бир-иккита корхонасини мактаб мебеллари ишлаб чиқаришга ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилсин.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари болалар ва ўсмирлар билан мактабдан ташқари тарбия ишларини олиб бориш учун шаҳарларнинг турар-жой массивларида биноларни ажратиб бериш ҳамда жиҳозлаш имкониятларини излаб топсинлар. Янги қурилишларнинг лойиҳаларида шундай бинолар, албатта, кўзда тутилсин.

Ўзбекистон ССР Госстройи замон талабларига мос келувчи таълим-тарбия муассасалари қурилиши лойиҳаларини ишлаб чиқишни тезлаштирсин.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети қишлоқ умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртлари ва интернат-муассасаларида зарур шарт-шароитларни вужудга келтириб, ёрдамчи хўжаликларни ташкил этсин, меҳнат ва дам олиш доимий лагерлари қурилишини таъминласин.

Тармоқ министрликлари ва идораларига мактаб устахоналарини, мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларини қишлоқлардаги ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларини база корхоналари, хўжаликларининг структуравий бўлинмалари ҳолатига ўтказиш масалаларини кўриб чиқиш тавсия этилсин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув халқ маорифи органлари билан биргаликда ўқув юртларидаги умумий овқатланишни ташкил этишни тубдан қайта қурсинлар, барча ўқувчиларни илмий ишлаб чиқилган рационлар асосида иссиқ овқат билан таъминласинлар, умумий овқатланиш корхоналарининг моддий-техника базасини кенгайтириб, мустаҳкамласинлар, хизмат кўрсатиш форма ва методларини такомиллаштирсинлар.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ўқув юртларининг адабиётга бўлган эҳтиёжларини қондириш, дарсликларни бемалол сотишни ташкил қилиш учун уларнинг нусхаси буюртмадан ташқари 10 процент оширилиш чораларини кўрсин.

5. Халқ маорифида туб ўзгартишларнинг зарурати партиявий таъсирни ва мактабга нисбатан ғамхўрликни қатъиян кучайтиришни тақозо этади. Кўпгина партия комитетлари халқ маорифи муаммоларига ондасонда эътибор берадилар, масалаларни чуқур ва амалий ҳал қилмайдилар, педагогика коллективларидаги вазиятдан хабардор бўлиб турмайдилар. Мактабларнинг бошланғич партия ташкилотлари состав жиҳатидан кам сонли бўлиб, ҳар уч мактабнинг бирида бундай ташкилотлар умуман йўқ. Бир қанча олий мактабларда, техникумларда партия ташкилотлари сусткаш бўлиб, коллективларга сезиларли таъсир ўтказмаяптилар. Ўз обрўсини тўккан мансабдор шахсларни маориф соҳасидаги раҳбарлик лавозимларига ўтказиш фактлари ҳамон учраб турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлимлари халқ маорифини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш масалаларига кам эътибор бермоқдалар, Марказий Комитет секретариати, Бюроси ишларнинг аҳволига баҳо беришда, айбдорларга нисбатан талабчанлик қилишда етарлича принципиаллик ва изчиллик кўрсатмаяптилар.

Пленум Марказий Комитет Бюроси ва бўлимлари, область, шаҳар, район партия комитетлари зиммасига маориф ҳамда болалар ва ёшлар тарбияси соҳасига сиёсий раҳбарлик даражасини қатъиян ошириш, ўқув юртларининг иш мазмунини чуқур таҳлил қилиб, юзага келаётган муаммоларни билимдонлик билан амалий равишда ҳал этиш мажбуриятини юклайди. Партия қарорларини амалга ошириш, педагог коллективларни жипслаштириш ва мустаҳкамлаш, уларда соғлом маънавий-психологик муҳитни вужудга келтириш учун ўқув юртларидаги бошланғич партия ташкилотларининг, ўқитувчи коммунистларнинг роли ва масъулияти бутун чоралар билан оширилсин. Ўқув юртларининг партия ташкилотлари энг яхши ўқитувчилар ҳисобидан изчиллик билан мустаҳкамлаб борилсин. Партия сафидаги ўқитувчиларнинг кучлари билангина эмас, балки коммунист ота-оналар, база корхоналарининг партия ташкилотлари, район ва шаҳар партия комитетлари аппаратлари ходимларининг кучлари билан ҳам педагог коллективларига партия таъсирининг ўсиши таъминлансин.

Педагог кадрларни тарбиялашга, уларнинг сиёсий ва маънавий жиҳатдан ўсишига, ўқитувчиларни партия ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалаларидан оператив хабардор қилиб туришга эътибор кучайтирилсин. Педагоглар таълим ва тарбия ишлари билан боғлиқ бўлмаган топшириқларни бажаришга чалғитилмасин.

Партия, совет, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ўқув юртларининг оила билан алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳаракат бирлигини, ота-оналар фаол жамоат ва тарбия ишларига жалб этилишини таъминлаш борасидаги ишларни кучайтирсинлар. Мустаҳкам, ахлоқий соғлом, маънавий бой оилалар тузилиши тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилинсин. Болалар тарбиясида ота-оналарнинг масъулияти кучайтирилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, маҳаллий Совет органлари ёшларнинг умумий ўрта таълим олишини, уларга касб-кор ўргатиш ва тайёрлаш, ишга ўз вақтида жойлаштирилишини таъминлаш чораларини кўрсинлар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети мактаб комсомол ва пионер ташкилотларига раҳбарликни тубдан яхшиласин. Диққат-эътибор ўқувчи-ёшларни ғоявий-эътиқод, билимларни эгаллашга масъулиятли муносабат руҳида тарбиялашга, ўзини ўзи бошқариш орқали ташаббус ва мустақил фаолиятни ривожлантиришга қаратилсин. Пионер ва октябрятлар билан ишлаш янгилансин, бу иш болалар учун жозибали ҳамда уларни камол топтириш учун фойдали ишга айлантирилсин.

6. Республика меҳнаткашларини ғоявий-эътиқод, социализм идеалларига садоқат руҳида тарбиялаш қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлашнинг бош вазифаларидан биридир.

Шу муносабат билан Марказий Комитетнинг, область, шаҳар, район партия комитетларининг идеология бўлимларидан ғоявий-сиёсий ишга ҳужумкорлик тусини бериш талаб этилади. Ҳолбуки, партия комитетлари, идеология муассасалари ҳозирча турғунлик даврига хос расмиятчиликни, конкрет ишлардан ажралиб қолишни тўла-тўкис бартараф этишга муваффақ бўлганлари йўқ. Пропаганда ва тарбия айниқса, қишлоқ жойларида социал муаммоларни ҳал этиш билан, одамларнинг турмуш ва иш шароитлари билан ҳамон етарли даражада боғлаб олиб борилмаяпти. Марксча-ленинча таълим системасига, оғзаки пропагандага, оммавий ахборот воситаларига партия ва халқ ҳал этаётган вазифаларнинг бутун мураккаблиги ва янгилигини кўрсатиб беришда, салбий ҳодисаларнинг оқибатларини таг-томири билан тугатиш, республикадаги бутун маънавий муҳитни соғломлаштириш юзасидан қатъий чоралар кўриш зарурлигини яққол кўрсатишда маҳорат етишмаяпти. Республика, область, район газеталари, журналларнинг редакциялари, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети партия ташкилотлари билан меҳнат коллективларида қарор топаётган туб ўзгаришлардан ҳали орқада қолмоқда.

Иқтисодий ислоҳот шароитида халқ хўжалиги вазифаларини идеологик жиҳатдан таъминлаш борасидаги иш янги мазмун билан тўлдирилиши лозим. Ишлаб чиқариш, фан-техника пропагандасининг, аҳоли ялпи иқтисодий таълимининг, иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг ҳуқуқий, экологик тарбиянинг роли кучайтирилиши керак. Министрликлар ва идоралар, халқ маорифи органлари, идеология активлари бу ишга секинлик билан киришмоқдалар. Кўпгина партия ташкилотлари ҳам бу ишдан четда қолдилар.

(Давоми 3-бетда).

